

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ Phd.03/30.01.2020.PeD.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОҶИЕВ ҒУЛОМЖОН ОЧИЛОВИЧ

**ОЛИЙ ҲАМДА МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ОРАСИДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Боқиев Гуломжон Очилович

Олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турлари орасида
узвийликни таъминлаш технологияси 3

Боқиев Гулом Очилович

Технология обеспечения непрерывности между высшим образованием,
повышением квалификации и переподготовкой кадров 25

Boqiyev G'ulomjon Ochilovich

Technology of ensuring interconnection between higher education, professional
development and personnel retraining 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ Phd.03/30.01.2020.PeD.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОҶИЕВ ҒУЛОМЖОН ОЧИЛОВИЧ

**ОЛИЙ ҲАМДА МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ОРАСИДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.Phd/Ped601 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тайланова شوҳида Зайниевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Файзуллаева Гулчехра Шарипбоевна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2021.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» 09 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (45-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 08 да тарқатилди.
(2021 йил «18» 08 даги 6-рақамли реестр баённомаси)



Х.И. Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш раиси, педагогика
фанлари доктори, профессор

Ш.Р. Ураков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Н.Ш. Шодиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнидаги узвийлик таълим олувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва ахлоқий камолоти, касбий тайёргарлигини ошириш ҳамда бутун таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг зарурий шарти сифатида қаралмоқда. Халқаро эътироф этилган рейтингларда юқори ўринлардаги олий таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлаш ва навбатдаги босқичда уларнинг малакасини оширишнинг ўзаро мувофиқлашган ҳамда касбий компетенцияларни доимий тўлдириш ва янгилашга қаратилган ўқув мазмунини жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Натижада педагог кадрларнинг касбий даражасини ошириш, таълимий эҳтиёжларини мунтазам қондириб бориш, фаолият сифатини ошириш имкониятини кенгайтиришга йўналтирилган ёндашув ва механизмларни аниқлаш ҳамда асослаш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда.

Дунёдаги илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида (жумладан, European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби) таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва изчиллиги, хусусиятлари, технологиялари, дидактик ҳамда потенциал имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда олий таълим ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнини узвийлик ва узлуксизлик қонуниятлари асосида ташкил этиш, профессионал билимларни эгаллаш жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграциялашув борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш чоралари сифатида “мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанлар бўйича узлуксиз таълим концепциясини тасдиқлаш, таълим фан дастурлари узвийлигини таъминлаш, малака ошириш жараёнини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида узлуксиз малака оширишни назарда тутувчи тизимга айлантириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада олий таълим ҳамда малака ошириш босқичлари узвийлиги ва алоқадорлигининг психологик-педагогик асосларини ўрганиш, узвийликни таъминлаш технологиясини аниқлаштириш, ўзаро алоқадорликда ўқитиш мазмунига оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарори. 07/20/4884/1484.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлик масалаларининг педагогик ва методик муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари Республикамиз олимлари У.Ш.Бегимқулов, Р.А.Мавлонова, Н.Шодиев, Ю.Ғ.Маҳмудов, Р.Ғ.Сафарова, Э.О.Турдиқулов, М.Ғ.Ҳақимова, Ш.Э.Қурбонов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида амалга оширилган. Педагогик кадрларнинг малакасини ошириш муаммоси эса К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Р.Адилов, Ш.К.Мардоновлар томонидан назарий методологик, ташкилий-педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

Масаланинг ахлоқий-эстетик тарбия ва маданият, маънавий маданият, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш У.И.Маҳкамов, Р.Хасанов, Н.Ортиқов, С.Булатов, М.Иномова, С.Нишонова, Т.Қурбонов, М.Очилов, С.Аннамуратова, С.Файзулина, О.Мусурмонова, З.К.Исмоилова, М.К.Ҳошимова, Б.Ў.Кўчқоров, Г.Ибрагимова, Г.Маҳмутова, Н.Эгамбердиева, Ш.Олимов, С.Очилов, М.Қурононов, Қ.Қуронбоев, Д.И.Рўзиева, Ф.Норбоеваларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Муаммонинг психологик жиҳатлари М.Ғ.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, А.В.Петровский, Н.В.Кузьмина, Е.А.Климов, Р.Суннатова, Ш.Баротов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Бўлажак ўқитувчини касбий жиҳатдан тайёрлашнинг умумпедагогик ва дидактик жиҳатлари У.Нишоналиев, Ф.Р.Юзликаев, А.И.Воробьёв, А.Р.Ходжабаев, Э.Т.Чориев, Н.А.Муслимов, У.И.Иноятлов, Ш.Шарипов, Х.Ғ.Рашидов, О.А.Абдуқуддусовлар томонидан ишлаб чиқилган. Республикамизда Б.Муранов, Ф.Мусаев, Г.Жумашева, К.А.Зоиров, И.Алиев, Р.Зайнобиддинов,

В.И.Андриянова каби педагог олимлар ҳам таълим турлари орасида узвийлик муаммосининг ечимига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Ушбу муаммо билан ўтган асрнинг 60-йилларида рус олимларидан ҳозирги Санкт-Петербурглик психолог ва педагоглар Б.Г.Ананьев, Ш.И.Ганилин, А.К.Бушья, М.П.Ашмутайт, В.Э.Тамарин А.А.Кыверялг, Ю.А.Кустов, В.М.Лихач, Р.С.Гурьевич, Н.И.Думченко, Т.А.Ильина, А.А.Таррасте, А.М.Лушников, А.В.Барабанщиков, А.Г.Мороз, Т.Г.Шевченко, А.М.Кухта, А.Н.Андриянчик, С.М.Годник, А.В.Бильюк, Э.А.Беллер, П.Н.Новиков кабилар фаол шуғулланганлар.

Таълим жараёнини узвийлик ва узлуксизлик қонуниятлари асосида ташкил этиш, айниқса, хориж олимларидан Г.Спенсер, J.Gilbert, J.Fernandez-Balvoa, S.Merriam, P.Ertmer, J.Rawen каби олимларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган.

Юқорида зикр этилган олимлар умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар таълими бўғинлари орасидаги узвийлик алоқадорлигини тадқиқ этганлар, холос. Лекин, шу пайтгача босқичли олий касбий педагогик таълим билан малака ошириш таълими орасидаги алоқадорлик, узвийлик аниқ бир тадқиқот ишининг объекти сифатида қаралмаган. Бу ҳолат тадқиқотимиз мавзусини «Олий ҳамда малака ошириш таълим турлари орасида узвийликни таъминлаш технологияси» деб номлашга имкон берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2018 йилларда бажарилган № ОТ-Ф1-002 “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шаклланишининг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий ҳамда малака ошириш таълим турлари орасида узвийликни таъминлашнинг илмий-методик асослари ва технологиясини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим ҳамда малака ошириш таълим турлари орасида узвийликни таъминлаш муаммосининг педагогик назарияси ва амалиётидаги ҳолатини таҳлил этиш;

узвий алоқадорликнинг психологик-педагогик асосларини аниқлаш, узвийликни ўрнатиш, амалда жорий этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

олий ва малака ошириш таълим тизимида узвийликни таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш, олий таълим ҳамда малака ошириш билан ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг методик мазмунини такомиллаштириш, узвийликни таъминлашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

фанлараро алоқадорлик воситасида касбий фаолиятга тайёрлик ҳолатини аниқлаш бўйича баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим педагогика йўналиши ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 24 нафар малака ошириш марказларининг ўқитувчилари ва 796 нафар тингловчилари ҳамда талабалар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим билан малака ошириш курслари фанлараро алоқадорлик воситасида ўқитишнинг мазмуни, шакл, методи ва воситалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик адабиётлар, ДТС, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш, педагогик-ижтимоий (тест, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш, натижаларга математик ва статистик қайта ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий ҳамда малака ошириш таълим турларининг узвийлигига таъсир этувчи ижтимоий тузилмавийлик, функционал мутаносиблик, асослилик, илмийлик каби омиллар ички ва ташқи боғланишларнинг мантиқий кетма-кетлиги, ижтимоий буюртма, таълим натижалари, мотивацион йўналганлигини белгилаш асосида аниқланган;

умумкасбий фанлар ва касбий фаолият мазмуни узвийлиги контекстида педагогик компетентлиликни ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, рефлексив ва танқидий баҳолаш каби дидактик имкониятлари олий ҳамда малака ошириш таълими ўқув жараёнлари компонентларининг ўзаро мос элементлари ўқув-меъёрий, иштирокчилар тайёргарлиги, ўқув фаолияти мазмунини интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларининг интеграллашган ўқув предметлари узвийлигини таъминлашнинг талабни аниқлаш, ахборотни танлаш, меъёрлаштириш, баҳолаш мезонлари асосида таълим узвийлигининг ташкилий-коммуникатив, касбий-интеллектуал педагогик парадигмалари мазмуни аниқлаштирилган;

бўлажак мутахассис кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-услубий таъминот фанлараро алоқадорлик ҳамда мавзулараро горизонтал ва вертикал кесишув амалиёти, касбий тайёргарлик даражаларини мустақил равишда ахборотли, фаолиятли ва новаторлик каби баҳолаш параметрларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турлари бўйича фанлараро алоқадорликни таъминлаш мақсадида “5110900-Педагогика ва психология” таълим йўналиши ўқув режаси ва “Педагогик маҳорат” фан дастури мазмуни такомиллаштирилган;

олий ҳамда малака ошириш таълим турлари тайёрлов йўналиши бўйича ташкил этиладиган ўқув жараёнининг педагогик шарт-шароитларини интегратив ва лойиҳавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш орқали

бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишнинг ташкилий-тузилмавий моделига мувофиқ “Ижтимоий педагогика” номли электрон ўқув кўлланма яратилган;

талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари шаклланганлик даражасини, касбга тайёргарлигини назорат қилиш имконини берувчи баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот илмий натижалари олий ҳамда малака ошириш таълим турлари “Педагогик маҳорат” фани бўйича “Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” малака ошириш тайёрлов йўналиши махсус фанлари билан фанлараро алоқадорлик асосида ўқитиш тизими ишлаб чиқилганлиги ҳамда ушбу тизим асосида махсус фанлар, шунингдек, “Педагогик маҳорат” фанини ўзлаштириш мотивациясини орттиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялар олий ҳамда малака ошириш таълим турлари бўйича “Педагогик маҳорат” фанини ўқитишни такомиллаштиришда, ўқитувчиларнинг танлаган касбига бўлган қизиқишини орттириш ҳамда таълим самардорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Олий ҳамда малака ошириш таълим турлари ҳамда махсус фанлар бўйича мавзулар алоқадорлиги асосида ўқитишни амалга ошириш ва ўқув материалларидан мақсадга мувофиқ ҳолда унумли фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий ҳамда малака ошириш таълим турлари орасида узвийликни таъминлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим босқичлари ҳамда малака ошириш таълимининг узвийлигига таъсир этувчи омиллар (ижтимоий тузилмавийлик, функционал мутаносиблик, асослилик, тажриба, илмийлик каби), Давлат таълим стандартлари ва Давлат талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмунининг мантиқий кетма-кетлиги, технологик ечими, мотивацион йўналтирилганлиги таҳлиliga оид таклифлари педагогика тайёрлов йўналиши учун “Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” фанининг ўқув-услугий таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3617 – сон маълумотномаси). Натижада педагогика ва психология тайёрлов йўналиши бўйича мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларининг интеграллашган ташкилий-тузилмаси, узвийлашган ўқув предмети мазмунини тизимлаштириш босқичлари (талабни аниқлаш, ахборотни танлаш, меъёрлаштириш, баҳолаш) га оид таклифлари асосида “Педагогика ва психология” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогик технология”, “Қиёсий педагогика” ўқув модуллари бўйича услубий таъминоти ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3617 – сон маълумотномаси). Мазкур ўқув материаллари олий таълимнинг “Педагогика ва психология” бакалавриат таълим йўналиши ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик имкониятлари, олий таълим босқичлари ҳамда малака ошириш таълими узвийлигини таъминлаш йўналишлари, ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш, фанлараро алоқадорлик ҳамда мавзулараро горизонтал ва вертикал кесишув амалиёти, касбий тайёргарлик даражаларини мустақил равишда баҳолаш мезонларига оид тавсиялари олий таълимнинг “Педагогик рискология”, “Педагогиканинг долзарб масалалари”, “Педагогик фаолиятга кириш” фанлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим йўналиши тингловчилари учун “Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” фанини фанлараро алоқадорлик воситасида ўқитиш бўйича электрон ва ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3617 – сон маълумотномаси). Мазкур электрон ва ўқув қўлланмалар олий ҳамда малака ошириш таълим турлари жараёнида касбий мотивацияни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 136 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Инсоният жамиятининг ривожланиши билан бирга унга уйғун ҳолда таълим жараёнининг назарияси ва амалиёти такомиллаштирилади. Шу боис педагогикада узвий алоқадорликни амалга оширишнинг муҳим томони – бу педагогик ғояларни давом эттириш ва ривожлантириш қонуниятларини аниқлаш ҳисобланади.

Узвийлик намоён бўлишининг бундай томонларини батафсил ишлаб чиқиш билан хусусий методикалар шуғулланади.

Аждодларимизнинг фалсафий, педагогик қарашлари, ғоялари, фикр мулоҳазаларисиз замонавий таълим назариясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам узвийликни тарихийлик нуқтаи-назаридан ишлаб чиқиш педагогика тарихининг тадқиқ этиш предмети ҳисобланади.

Тарихийлик инсоният жамиятининг ўтмиш тажрибаларига таяниб замонавий ва истиқбол таълим-тарбия масалаларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш тик йўналишда, яъни вертикал тадқиқ этиш демакдир.

Педагогик ғояларни узвий ривожлантиришда турли халқларнинг таълим-тарбияга оид ғоялари, қарашларидан фойдаланиш, яъни горизонтал йўналиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун махсус тадқиқот ишлари олиб борилиши зарур.

Диссертациянинг **“Таълимда узвийликни таъминлашнинг илмий-методик асослари”** деб номланган биринчи бобида узвийликни таъминлаш педагогик муаммо сифатидаги ўзига хосликлари, шунингдек, узвийликни таъминлашнинг психологик-педагогик асослари, узвийликнинг таълим назарияси ва амалиётдаги ҳолати каби масалалар аниқланган.

Узлуксиз таълимнинг бир босқичи ёки бўғинидан иккинчи босқичига раво ўтиш, баркамол авлодни шакллантиришни таъминлашда қандай бош йўналишларга диққат-эътиборни кучайтириш кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Олий таълим муассасалари замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган, кенг ихтисосликка эга, юқори малакали, ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил эта оладиган, янгиликларга интилувчан, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатувчи мутахассис кадрларни тайёрлашга йўналтирилган. Бунга таълим жараёнида узвийликни таъминлаш бевосита ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади. Муаммонинг дидактик йўналиши – узвийликни таъминлашнинг дидактик жиҳати, яъни таълим тамойиллари, мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари узвийлигини ишлаб чиқишдан иборат.

Маълум ўқув предмети доирасида узвийлик деганда шу ўқув предмет бўйича назарий материални мунтазам ва кетма-кет ўрганиш, унинг лаборатория ва амалий машғулотлари ҳамда мустақил ишлари мазмуни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш тушунилади.

Узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга диалектик ёндашув узвийликда ўз ифодасини топади. Ўқитишда узвийликнинг моҳияти янги билим, кўникма, малакалар ва шахсий фазилатлар билан аввалгилари орасида

керакли алоқадорликни ўрнатиш, билимни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни кўзда тутди.

Узвийликни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнига динамик характер бериб, унинг иштирокчилари фаолиятини уйғунлаштиради, фаоллаштиради, такрорлаш ва параллелизмни бартараф этади, таълим мақсадлари ва мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методларида ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Алоқа» ва «Алоқадор» тушунчаларига қуйидагича изоҳ берилган:

Алоқа 1. Кишилар ёки нарсалар, воқеалар, ҳодисалар орасидаги ўзаро муносабат, ички, узвий боғланиш.

Алоқадор – муносабати, алоқаси бўлган, тегишли, боғлиқ, даҳлдор².

Узвийлик табиат, жамият ва билишда намоён бўлувчи объектив жараён дир. Жамиятга нисбатан узвийлик қуйидаги икки йўналишда қаралади:

– узвийлик – бу ижтимоий ва маданий кадриятларни бир авлоддан иккинчи авлодга узатиш, ёш авлод томонидан ўзлаштириш;

– узвийлик – бу жамият хотирасининг махсус механизми, ўтмиш маданияти-маънавияти ҳақидаги ахборотларни сақлаб қолади ва шу асосда янги кадриятлар таркиб топади.

Олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш фанларини ўрганиш жараёнида ўқитувчи ва тингловчининг ўқув-билиш фаолиятини мазмунан бойитишга узвийлик ва фанлараро алоқадорлик қуйидаги ҳолатларда хизмат қилади:

– ўрганилаётган тушунчаларни янада ойдинроқ тасаввур қилиш мақсадида билим, кўникма ва шахсий фазилатларнинг муайян тизимини шакллантириш;

– талабалар ва тингловчиларда маълум ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш;


– турли ўқув фанлар мазмунида ўқитувчилар томонидан тушунчаларнинг бир хил талқин қилинишини таъминлаш;

– умумтаълим фанлардаги тушунчалар орқали илмий дунёқарашни, умумқасбий фанлар орқали кенг тармоқли, махсус фанлар орқали эса аниқ мутахассислик бўйича чуқур ва мукамал билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим мазмуни узвийлигини таъминлаш учун, аввало, узвийликнинг ички ва ташқи боғланишларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунда ички боғланиш дейилганда таълим мазмунига (ўқув режа, ўқув дастурлари, дарсликлар каби) фанлараро боғланиш, яъни биринчидан, узлуксиз таълим тизими фанларининг ўзаро боғлиқлиги тушунилса, иккинчидан, ўқув фанлари, боблари, бўлимлари, мавзулари ва модуллари орасидаги боғланиш тушунилади.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж IV. Тартибот-шукр / Таҳририят ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзРФА. Тил ва адабиёт институти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. – 123 бет.

Ташқи боғланиш дейилганда узлуксиз таълим босқичлари (мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мустақил (мактабдан ташқари) орасидаги боғланиш; ўқув-меъёрий ҳужжатлар орасидаги боғланиш; моддий-техник базалари орасидаги боғланиш; ўқитиш воситалари орасидаги боғланиш кабилар тушунилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, таълим мазмуни узвийлигини таъминлаш жараёнида ички боғланишлар бевосита, ташқи боғланишлар эса билвосита боғлиқликда амалга оширилади. Буни 1-расмда кўриш мумкин.



1-расм. Таълим мазмунининг узвийлиги

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнида узвийлик қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- ўтилган мавзуларга таяниш;
- кейинги мавзуларга замин яратиш ва ишора қилиш;
- мазмунини ўзлаштиришда оддийдан мураккабга, осондан қийинга қараб бориш;
- турли хил даражадаги узвий боғлиқликларни тадқиқ этиш;
- ўзаро фанлараро алоқадорликни ўргатиш;
- эски ва янги билимлар боғлиқлигини аниқлашга имкон берувчи мавжуд билим ва кўникмалардан фойдаланиш ҳамда уларни янада ривожлантириш кабилардан иборатдир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим мазмуни узвийлигини таъминлаш учун қуйидаги баъзи педагогик талабларни бажариш таълим мазмуни узвийлигининг самарадорлигига олиб келиши маълум бўлди:

– умумкасбий ва махсус фанлар мазмунини ўрганишда узвийлик умумтаълим фанларининг ўрганилиши жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларга таяниш;

– аксинча, умумтаълим фанларини ўрганишда талабаларнинг келгуси касбий фаолиятида зарур бўладиган билим, кўникма ва амалий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда амалга ошириш.

Узвийликнинг дидактик жиҳатдан муҳимлиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– узвий алоқадорлик мукамал билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг зарурий шарти;

– яхлит моддий дунёнинг турли жиҳатларини диалектик ривожланиш тарзида билишда таълим мазмунининг барча ташкил этувчи компонентларининг органик алоқадорлигини талаб этиши;

– замонавий фан ютуқлари асосида янги техника, илғор ишлаб чиқариш технологиялари, янгича хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари кабиларнинг илмий асослари моҳиятини англаб етишга имкон бериши;

– ўқув режаларига кирган ўқув предметларини ўрганишни мазмунан ва жараёни жиҳатларининг мувофиқлаштирилиши;

– узвий алоқадорлик маълум миқдордаги ўқув материалининг турли ўқув предметларида такрорланишини бартараф этиш, ўқув вақтини тежаш ва таҳсил олувчилар ўқув-билиш фаолиятлари воситасида таълим-тарбия жараёнига иқтисодий самара бериши;

– таҳсил олувчилар илмий асосланган билимлар воситасида ишончли, изланувчан касбий фаолиятга эга бўладилар.

Олий таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимлари орасида узвийлик деганда ўқув материалининг мақбул кетма-кетлиги тушунилиб, унинг натижасида максимал даражада касбий-педагогик билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар таркиб топишга имкон беради.

Юқорида зикр этилган тизимлараро узвийликнинг таъминланиши натижасида ўқитувчилар тез фурсатларда янгиликларни ўрганиб, амалда қўллашларига, яъни ҳаёт билан ҳамнафас бўлишлари қуйидаги икки омилни ҳисобга олган ҳолда амалга ошиши мумкин:

1) ўқув предметлари мазмуни ва мантиғини;

2) билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш қонуниятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими турлари орасида узвийликни таъминлаш технологияси”** деб номланган иккинчи бобида олий таълимнинг босқичлари ва малака ошириш

курслари орасида узвийликни таъминлаш омиллари, узвийлашган ўқув дастурлари мазмуни ва тузилмаси ёритилган.

Олий таълим билан малака ошириш тизимлари орасидаги узвийлик узлуксиз равишда ҳаёт билан ҳамоҳанг яшовчи, қадам ташловчи мутахассис кадрлар тайёрлашни кўзда тутди. Бунда узвийликни амалга оширишда кўпроқ миқдордаги муаммо таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдан келиб чиқади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни мутахассисларнинг бевосита амалий фаолияти, талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши зарур. Шунинг учун ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими юқори даражада мослашувчан, инвариант хусусиятга эга бўлиши керак. Бунда фақатгина мазмуннинг ўзгаришини эмас, балки ташкилий шакллар, амалга ошириш методлари ва воситаларининг ҳам ўзгариши кўзда тутилган бўлади. Шунингдек, малака ошириш тизимида узвийлик фақат тик йўналишда, яъни ўрганилаётган ўқув предмет (модул)лари орасида ҳам амалга оширилиши керак. Узвийликнинг талаб даражасида амалга ошишига ўқув режасининг оқилона тузилмаси муҳим ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, олий таълим билан малака ошириш орасида узвийликни таъминлашдан кўзда тутилган мақсад бу босқич ёки турлар орасида шундай туташ чокларини ташкил этиш керакки, у замонавий фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологиялари билан ҳамоҳанг қадам ташловчи мутахассисларни узлуксиз тайёрлашга имкон берсин. Лекин бу катта аҳамиятга эга буюртма амалда талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунда ёшларнинг психик, физиологик ва бошқа индивидуал ўзига хос жиҳатларининг етарли даражада ҳисобга олинмаганлигини асосий сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Фан-техника тараққиёти ва замонавий инновацион технологиялар таълим тизимига кучли таъсир кўрсатиб, унинг мақсади, мазмуни, тузилмаси ва ҳажмини ўзгартиради. Бу ҳолатни қуйидагилар асосида тушунтириш мумкин:

1) турли фанларнинг туташishi натижасида янги илмий ўқув предметлари пайдо бўлади;

2) дунё (объектив олам)ни билишнинг ўзига хослиги фанни тор доирада ихтисослаштириш ва табақалаштиришни талаб этади;

3) фан ва таълимни ривожлантириш, яхлит илмий дунёқарашни шакллантириш учун мунтазам равишда илмий билимларни ўрганиш, уларни умумлаштириш талаб этилади. Ўқув предметларини табақалаштириш билан бирга интеграциялаш, билимларнинг синтезланишига имкон беради;

4) таълим тизимининг шиддатли ривожланиши, замонавий технологияларнинг амалиётга тезкор ва кенг кўламда жорий этилиши билан боғлиқ ҳолда илмий ахборотлар оқими тез ортиб боради, бу билан бирга маълум билимлар эскиради;

5) илмий билимларни амалга тадбиқ этишга талаблар кучаяди ва таълим тизими олдига янги талабларни қўяди;

6) мавжуд ихтисослик ва касблар мужассамлашади, янгилари вужудга келади ёки янги сифат кўрсаткичига эга бўлади. Шундай қилиб, фаннинг табақаланиши ва интеграцияси унга мос ҳолда ўқув предметларининг

интеграциялашиш ва табақаланишига олиб келади. Ўқув предметларининг табақаланиши ва интеграциялашиши асосида алоқадорлик ётади.

Узвийликни муваффақиятли амалга оширишга қуйидаги икки омил ўз таъсирини кўрсатади:

– ўқув-меъёрий ҳужжатлари (стандарт, ўқув режа ва ўқув дастурлари)да назарий жиҳатдан идеал узвийликнинг таъминланганлиги;

– таълим-тарбия жараёни иштирокчи (талабалар ва ўқитувчи)ларининг реал тайёргарлик даражаси.

Олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турлари орасида узвий алоқадорликни амалга оширишда энг муҳими, аввал ўзлаштирилган билим ва ҳаётий тажрибалар билан янгидан ўзлаштирилиши керак бўлганлари орасидаги алоқадорликни ўрнатиш ҳисобланади, улар ички, яъни бир ўқув предмети ёки ташқи бир қанча ўқув предметлари доирасида бўлиши мумкин. Узвий алоқадорлик ҳар доим юқори даражали билимни шакллантиришни кўзда тутиб, мантиқий боғлаш йўли билан амалга оширилади.

Узвийлик барча таълим тамойиллари, айниқса, мунтазамлилик ва кетма-кетлик билан мустаҳкам алоқадорликка эга. Таълим мазмуни ташкилий шаклларда, амалга ошириш методлари ва воситаларида узвийликнинг таъминланишига мунтазамлилик, кетма-кетлик ва узвийлик тамойиллари асос сифатида хизмат қилади. Ўқув материални маълум мантиқий кетма-кетликда тизимлаштириш ва таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятларини таъминлашга узвийлик қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

а) Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳамда вазибаларни;

б) Ўқув предметлари мазмуни ва мантиқий тузилмасини ўқув-билиш жараёни қонуниятлари ва улардан келиб чиқадиган тамойилларга асосланганлиги.

Малака ошириш курсларида узвийликни таъминлаш учун шуни ҳам доим ёдда тутиш зарурки, манбаларда келтирилган ўқув материалининг барчаси ҳар доим ҳамма тингловчилар учун бирдай тушунарли бўлавермайди. Чунки ўқув предметларининг мазмуни ва тузилмаси олимлар, мутахассислар, методистлар томонидан эмпирик ва интуиция асосида шакллантирилади. Одатда ўқув меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи муаллифлар илмий билимлар яхлитлигини қуйидагича келтиришга ҳаракат қилади: фан асослари (ўқув предметлари), уларни дидактик трансформациялаш – таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши.

Олий ҳамда малака ошириш таълимида педагогик туркум ўқув предметларини узвийлик тамойилига амал қилган ҳолда ўрганиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

– ўрганилаётган мавзудан асосий тузилмавий элементлар (далиллар, тушунча ва иборалар, изоҳлар, қонунлар, қоидалар)ни ажратиб олиш;

– аввал ўрганилган материални мантиқий таҳлил қилиш орқали янгиларини ўзлаштириш учун асос сифатида хизмат қиладиган материалларни аниқлаш;

– қайси тушунча ва ҳатти-ҳаракат усулларини мазкур машғулот ёки дарсада долзарблаштириш зарурлигини аниқлаш;

– малака ошириш курси тингловчилари бу материални қачон, қандай тарзда ўзлаштирилганликларини эслай олиш ёки олмасликларини аниқлаш;

– юқоридагиларга кўра аниқлаб олинган тушунча ва ҳатти-ҳаракат усулларини муваффақиятли долзарблаштириш усулларини қўллаш;

– аввал ўзлаштирилган билим янгидан ўрганилаётган материалнинг ўзаро алоқадорлигини ўрнатиш ва янги материал аввал ўзлаштирилганига қандай асосланишини кўрсатиш;

– айти пайтда ўзлаштирилаётган билим, ҳатти-ҳаракат усулларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчилари истиқболда, яъни ўзларининг амалий фаолиятларида қандай фойдаланишларини аниқ мисоллар воситасида кўрсатиш кабилар.

Фикримизча, узвийлашган ўқув предмети мазмунини танлаб олиш ва маълум тизимга келтириш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва шу каби талабларини аниқлаш.

2. Замонавий педагогика йўналишининг ҳозирги даражаси ва истиқболда ривожланишига мос келадиган ахборотларни танлаб олиш.

3. Танлаб олинган маълумотларга педагогик ишлов берилиб, ўқув меъёрий ҳужжатлар шаклига келтириш.

4. Педагог мутахассислар томонидан бу мазмун-моҳиятни ўзлаштириш, яъни ўз мулкларига айлантириш.

5. Материални бевосита таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш ва таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришиш.

6. Таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалининг мазмуни қандай ўзлаштирилаётганлигини ва амалиёт талаби нечоғлик қондирилаётганлигини аниқлаш мақсадида назорат қилиш, баҳолаш ҳамда таълим жараёнига зарур ўзгартиришлар киритиш.

7. Аниқланган муаммоларнинг ечими топилганлигига ишонч ҳосил қилиш кабилар.

Биз узвийлаштирилган мазмунга эга ўқув предметларини ўрганишни – бўлажак мутахассислар ўзлаштиришлари зарур ва етарли даражада билим, ҳатти-ҳаракат усуллари, шахсий фазилатларининг мантиқан тугал яхлитлигини таъминловчи омил сифатида қараймиз.

Диссертациянинг **“Олий ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турлари орасидаги узвийликнинг самарадорлигини таъминлаш ва уни баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Таълим ва ижтимоий тараққиёт орасида тўғри алоқадорлик (боғлиқлик) мавжуд. Шунинг учун ҳам мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммосининг ечимини топишда таълимнинг ижтимоий талабга мослик тамойилига асосланиш зарур. Таълим билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалани энг аввало, мамлакатни ижтимоий ривожлантиришдаги анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилинади. Объектив алоқадорлик фанлар ҳамда инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятлари орасида мавжуд.

Таълим тизимининг самарадорлиги унинг аниқ мақсади, мазмуни, воситалари, методлари ва ташкилий шаклларида замон фани ва техникаси, ривожланиш анъаналари, умуман, жамиятнинг ижтимоий буюртмасида ўз ифодасини топади.

Олий ўқув юртлири битирувчиларининг фаолиятларини ўрганиш, мутахассислар тайёрлаш сифатини бошқаришга уларнинг замон талабларига ҳамоҳанг қадам ташлашлари учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга имкон беради. Бу қуйидаги моделда ўз аксини топади (2-расм):



2-расм. Олий ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш тузилмаси

Тадқиқотимизнинг мақсади, объекти, илмий фарази, вазифаларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг дастури ва методикасини қуйидагича туздик:

– тажриба-синов ишларининг мақсади олий ҳамда малака ошириш таълим турлари орасида узвийликни таъминлашга оид ишланмалар ишлаб чиқиш ва тажриба-синов йўли билан унинг самарадорлигини исботлаш.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

– олий ҳамда малака ошириш таълими турлари учун ишлаб чиқилган узвийлашган ўқув дастурларининг самарадорлигини амалда синаб кўриш;

– узлуксиз таълимнинг олий ҳамда малака ошириш турлари орасида узвийликни таъминлашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тажриба-синов ишлари тажриба-синов майдончалари қилиб белгиланган олий таълим муассасалари ҳамда малака ошириш марказларида олиб борилди. Тажриба-синов гуруҳлари ихтиёрий танланган бўлиб, тажриба-синов ва назорат гуруҳларида таҳсил олувчилар миқдори ва бошланғич ўзлаштирилганлик даражаси деярли бир хил. Назорат гуруҳларида таълим-тарбия ишлари амалдаги ўқув дастурлари асосида ташкил этиб ўтказилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз томонимиздан ишлаб чиқилган узвийлаштирилган дастурлар ва уларни ўрганиш методикаси бўйича амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларига инсон омилининг таъсирини бартараф этиш мақсадида тажриба-синов гуруҳларида ҳам, назорат гуруҳларида ҳам машғулотлар бир ўқитувчи томонидан ўтказилди.

Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг талаблари, истаклари ва имкониятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Малака ошириш курсининг биринчи машғулотида тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда кейинги машғулотларда уларни ҳисобга олган ҳолда иш кўришга мўлжаллаб, ўқув режаси ва ҳар бир ўқув модулининг мазмуни билан таништириш ишлари олиб борилди.

